

Уйқусизликка қарши набавий дуо



09:12 / 29.04.2025 1205

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга уйқусизликдан шикоят қилиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен кечаси уйқусизликдан безовта бўламан», деганларида, у зот шундай дедилар:

???????? ???? ???? ?????????????? ?????????? ???? ?

????????? ?????????? ?????????????? ?????? ?????????????

????????? ?????????????????? ?????? ????????????? ?????? ?

????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????????????? ?

????????????? ?????????????? ?????? ?????????????? ?????? ?????????????

????????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????

?????? ?????? ??????

«Аллоҳумма роббас самаватис сабъи ва ма азаллат, ва роббал арзийна ва ма ақоллат ва роббаш шайатийна ва ма азаллат, кун лий жарон мин холқиқа куллиҳим жамийъан ан йафрута ъалаййа аҳадун минҳум ва ан йабғийа ъалаййа, ъазза жарука ва жалла санаука ва лаа илаҳа ғойрука ва лаа илаҳа илла анта».

Маъноси: Аллоҳим, Сен етти осмон ва уни соялантирадиган нарсаларнинг парвардигорисан, ер ва у кўтариб турган нарсаларнинг парвардигорисан, шайтон ва у адаштирган нарсаларнинг парвардигорисан. Менга бирор киши зўравонлик қилиб, ҳаддан ошмаслиги учун ҳаммасининг устидан ўзинг менга ғимоячи бўл. Сенинг ғимоянг азиз, саноинг олий бўлди. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Фақат Сенгина илоҳдирсан.

Имом Термизий бу ҳадисни заиф деганлар.

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.